Maqolada sholining hosildorligiga biostimulyatorlar qo'llashning ta'siriga oid ma'lumotlar keltirilgan bo'lib, sholining Lazurniy navi urug'lariga ekish oldidan va rivojlanishning nay o'rash hamda ro'vak chiqarish davrlarida Zamin-M va Tandem stimulyatorlarini qo'llanilishi stimulyatorlar qo'llanilmagan nazorat variantiga nisbatan 2,9-5,3 s/ga miqdorida qo'shimcha don hosili olishni ta'minladi.

## KIRISH

Sholidan yuqori va sifatli don hosili yetishtirishda uni parvarishlashda qo'llaniladigan barcha agrotexnologik tadbirlar o'zining ta'sirini ko'rsatadi. Shu jumladan sholini parvarishla qo'llaniladigan biostimulyatorlar ham o'simlikning o'sishi, rivojlanishi, hosilining shakllanishi hamda unda kechadigan fiziologik jarayonlarni me'yorida o'tishini ta'minlaydi.

Biostimulyatorlar o'simliklarning hayotiy sikliga bog'liq ravishda, ko'plab ko'rsatilgan usullarda o'simlik rivojlanishini tezlashtiradi, (ya'ni urug'larning unib chiqishidan to o'simlik pishib yetilishigacha) ular bilan o'simlik, urug', tuproq yoki o'sish vositalariga murojaat qila oladi, qaysiki u o'simliklarning ozuqa moddalar yig'ish va to'g'ri rivojlanish qobiliyatini oshirish mumkin [1, 2].

**Muammoning o'rganilganlik darajasi.** Tadqiqotlarda sholining o'rtapishar "Alanga" navini xech qanday o'g'it bermasdan har bir gektar maydondan gektardan 35,6 s/ga, gektariga N<sub>150</sub>R<sub>70</sub> K<sub>150</sub> mineral o'g'itlar berilgan variantda 58,0 s/ga, ya'ni nazorat variantiga nisbatan 22,6 s/ga qo'shimcha hosil olingan. Ammo, azotli o'g'itni 30 kg/ga qisqartirib, uning o'rniga o'stiruvchi moddalarni (Roslin 300 gr.) qo'llash evaziiga esa 56,9 sentner hosil olish imkoniyatlari mavjudligi kuzatilgan va ushbu variantda nazoratga nisbatan 21,3 s/ga qo'shimcha hosil olinganligi kuzatilgan. Shu natijalarga asoslanib sholi o'simligini oziqlantirishda mineral o'g'itlar me'yorini qisqartirmaslik kerak ekanligini ta'kidlab o'tishgan [7].

Sug'orish va oziqlanish tizimi muqobil hamda maqsadli bo'lsa, hosilga ta'sir qiladigan omillardan biri, ya'ni o'sib rivojlanish davrini ikkinchi yarmida kamroq sug'orish, ma'dan oziqlanishni me'yorga keltirish, mikroelementlardan oqilona foydalanish, fiziologik faol moddalardan foydalanish zarur [3].

Adabiyotlardan ma'lumki, turli xil o'simliklarning oziqa moddalar to'planishi yaxshilanishiga, hujayralar bo'linishiga va o'sishini jadallashtirishga hamda hosil sifatining ortishiga auksin xususiyatiga ega bo'lgan stimulyatorlar ijobiy ta'sir etishi aniqlangan [6, 8].

**TADQIQOT O'TKAZISH SHAROITI VA USLUBLARI**

Tadqiqotlarimiz 2022-2023 yillar mobaynida Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlari sharoitida olib borilgan bo'lib, sholining "Lazurniy" navi hosildorligiga biostimulyatorlar qo'llashning ta'siri o'rganildi.

Dala tajribasi 8 variantni o'z ichiga oladi. 3 takrorlanishda va variantlar 3 ta yarusda joylashtirildi. Har bir variantning umumiy maydoni 120 m<sup>2</sup>, shundan hisoblisi 60 m<sup>2</sup> ni tashkil etadi. Tajribaning umumiy egallagan maydoni 0,288 gektar. Tajribada sholining "Lazurniy" navi ekiladi.

Tadqiqotlar dala va laboratoriya sharoitlarida olib borilib, bunda dala tajribalarini joylashtirish, hisoblashlar va kuzatuvlar "Dala tajribalarini o'tkazish uslublari", o'simliklardagi tahlillar "Metodika gosudarstvennogo sortoispaniya selskoxozyaystvennix kultur" uslubiy qo'llanmalari asosida olib borilgan [4, 5, 9].

**TADQIQOT NATIJALARI VA ULARNING MUHOKAMALARI**

Tadqiqotlarimizda sholining Lazurniy navining don hosiliga biostimulyatorlar qo'llashning ta'sir etganligi aniqlandi.

Tadqiqotlardan olingan ma'lumotlarga ko'ra, sholining Lazurniy navi urug'lariga ekish oldidan Fitovak stimulyatori bilan 200 ml/t, nay o'rash davrida 300 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 400 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantda don hosili 66,9 s/ga ni tashkil etib, nazorat variantiga nisbatan 4,1 s/ga miqdorida qo'shimcha don hosili olishni ta'minladi.

Zamin-M stimulyatorini uruqqa ekish oldidan 2000 ml/t, nay o'rash davrida 2000 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 3000 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantdan 65,7 s/ga miqdorida don hosili olinib, nazorat variantiga nisbatan 2,9 s/ga miqdorida qo'shimcha don hosili olishni ta'minladi. Zamin-M stimulyatorini uruqqa ekish oldidan 2500 ml/t, nay o'rash davrida 2000 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 3000 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantdan 67,5 s/ga miqdorida don hosili olinib, nazorat variantiga nisbatan 4,9 s/ga, Fitovak stimulyatori bilan uruqqa ekish oldidan 200 ml/t, nay o'rash davrida 300 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 400 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantga nisbatan 0,6 s/ga miqdorida qo'shimcha don hosili olishni ta'minladi. Zamin-M stimulyatorini uruqqa ekish oldidan 3000 ml/t, nay o'rash davrida 2000 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 3000 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantdan 66,3 s/ga miqdorida don hosili olinib, nazorat variantiga nisbatan 3,5 s/ga miqdorida qo'shimcha don hosili olishni ta'minladi (1-jadval).



**Sholining Lazurniy navi urug'larining dala sharoitidagi unuvchanligiga biostimulyatorlar qo'llashning ta'siri, s/ga (2023 y)**

№ v a r	Biostimulyator nomi	Urug'ga ishlov berish me'yori	Nay o'rash davri	Ro'vak chiqarish davri	Qaytariqlar			O'rtacha
					I	II	III	
1	Nazorat	Nazorat (suv bilan)			61,6	64,4	62,5	62,8
2	Fitovak	200 ml/t	300 ml/ga	400 ml/ga	65,3	68,7	66,7	66,9
3	Zamin-M	2000 ml/t	2000 ml/ga	3000 ml/ga	64,0	67,7	65,4	65,7
4	Zamin-M	2500 ml/t	2000 ml/ga	3000 ml/ga	66,1	69,1	67,3	67,5
5	Zamin-M	3000 ml/t	2000 ml/ga	3000 ml/ga	65,0	67,9	66,0	66,3
6	Tandem	200 ml/t	300 ml/ga	400 ml/ga	64,9	68,1	66,2	66,4
7	Tandem	300 ml/t	300 ml/ga	400 ml/ga	66,7	69,7	67,8	68,1
8	Tandem	400 ml/t	300 ml/ga	400 ml/ga	65,5	68,9	66,6	67,0

Tandem stimulyatorini uruqqa ekish oldidan 200 ml/t, nay o'rash davrida 300 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 400 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantdan 66,4 s/ga miqdorida don hosili olinib, nazorat variantiga nisbatan 3,6 s/ga miqdorida qo'shimcha don hosili olishni ta'minladi. Tandem stimulyatorini uruqqa ekish oldidan 300 ml/t, nay o'rash davrida 300 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 400 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantdan 68,1 s/ga miqdorida don hosili olinib, nazorat variantiga nisbatan 5,3 s/ga, Fitovak stimulyatori bilan uruqqa ekish oldidan 200 ml/t, nay o'rash davrida 300 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 400 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantga nisbatan 1,2 s/ga miqdorida qo'shimcha don hosili olishni ta'minladi.

Tandem stimulyatorini uruqqa ekish oldidan 400 ml/t, nay o'rash davrida 300 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 400 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantdan 67,0 s/ga miqdorida don hosili olinib, nazorat variantiga nisbatan 4,2 s/ga, Fitovak stimulyatori bilan uruqqa ekish oldidan 200 ml/t, nay o'rash davrida 300 ml/ga, ro'vak chiqarish davrida 400 ml/ga me'yorda ishlov berilgan variantga nisbatan 0,1 s/ga miqdorida qo'shimcha don hosili olishni ta'minladi.

**XULOSA**

Sholining Lazurniy navi urug'lariga ekish oldidan va rivojlanishning nay o'rash hamda ro'vak chiqarish davrlarida Zamin-M va Tandem stimulyatorlarini qo'llanilishi stimulyatorlar qo'llanilmagan nazorat variantiga nisbatan 2,9-5,3 s/ga miqdorida qo'shimcha don hosili olishni ta'minladi.

**ADABIYOTLAR**

1. Abdullaev A. Hosil salmog'i o'g'it bilan. // J.O'z-n q/x.-T-, 2005.-№12.-20 b.
2. Arabadjiev.S.D., Vatashkin.A i dr. Vliyanie mineralnykh udobreniy na uroжайnost. - M.: Kolos. 1981, 197 s.
3. Atabaeva H.N., J.B.Xudayqulov O'simlikshunoslik darslik 2018 y. B. 24-25-27-28-122-123.
4. Dala tajribalarini o'tkazish uslublari – Toshkent. 2007. 180 b.
5. Dospexov, B.A. Metodika polevogo opita / B.A. Dospexov. M.: Agropromizdat, 1985. – 351 s.
6. Zaurov D., Sborshikova M “Risovodstvo” T- “Mehnat” 1998y. 57-58 betlar Nav yaratish bo'limining 2000-2008-yillar yakuniy hisobotlari.
7. Isxakov T.E, Tilavov U.X. Sholini ko'chat usulida yetishtirishda navlarning axamiyati. Sholichilik va dukkakli don ekinlarini rivojlantirishning istikbollari: nav yaratish, urug'chilik, yangi texnologiyalarni joriy kilish». Toshkent. Mexnat. 2003.B.12-18.
8. Kumar.V.Arailabitiy of sulphur of plants as effected by sulphur, phosphorus, cine and molybdenum application. Phothesis, Naryana Agro Univ, Nussar Indio, 1978.
9. Metodika gosudarstvennogo sortoispitaniya selskoxozyaystvennix kultur. Zernoviye, zernoboboviye, maslichniye i kormoviye kulturi. – M.: Kolos, 1971. – 240 s.



# Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:  
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



---

## PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF DIGITAL TOURISM IN UZBEKISTAN

Muxtoraliev Mirodiljon<sup>1</sup>

*Urganch State University*

---

### KEYWORDS

Tourism, digital tourism,  
perspective, artificial  
intelligence, tourism  
infrastructure

### ABSTRACT

This article describes the features and prospects of digital tourism development in Uzbekistan.

2181-2675/© 2023 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.10041659

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

---

<sup>1</sup> Student of the field of tourism at the Faculty of Social and Economic Sciences, Urganch State University, Uzbekistan

# O'ZBEKISTONDA RAQAMLI TURIZMNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

## KALIT SO'ZLAR/ КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

Turizm, raqamli turizm,  
istiqbol, sun'iy intellekt,  
turizm infratuzilmasi

## ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Ushbu maqolada O'zbekistonda raqamli turizmni rivojlantirish xususiyatlari va istiqbollari yoritilgan.

Bugungi kunda O'zbekistonda raqamli turizmni rivojlantirish uzoq muddatli istiqboli yo'nalishlarga ega. Chunki, zamonaviy axborot texnologiyalari internet tarmog'idan foydalanishni kengaytirish, vositachilarning yangi turlarini shakllantirish, xizmatlarni farqlash va individuallashtirishning yangi imkoniyatlari paydo bo'lishi va xabarlarini internet orqali yetkazib berish orqali turizm sohasida sezilarli o'zgarishlarni amalga oshirmoqda. Bugungi kunda mehmondo'stlik va sayyohlik sohasida yangi texnologiyalar va internetning ta'siri kun sayin oshib bormoqda. Bu tadbirkorlik faoliyatini, yetkazib beruvchilar va potensial xaridorlar o'rtasidagi munosabatlarni o'zgartiradi va xizmat ko'rsatish qulayligi, tezligi va sifati to'g'risidamutlaqo yangi g'oyani shakllantiradi.

Raqamli turizmni rivojlantirish istiqbollari zamonaviy raqamli davrlarga ega bo'ladi. Chunki, jahon iqtisodiyoti o'zgarishida texnologiya, globallashuv va atrof-muhitga e'tiborning kuchayishi kabi ko'plab omillar ta'sir etmoqda. Xususan, zamonaviy raqamli davrga quyidagi individual omillar xos bo'ladi (1-rasm):



**1-rasm. Zamonaviy raqamli davrning tarkibi va unsurlari<sup>2</sup>**

Ushbu rasimga ko'ra, bugungi kunda an'anaviy emas, balki raqamli turizm biznesni rivojlantirish mumkin. Har xil turdagi ma'lumotlarni (audio, video, foto va matn) ko'rinishda raqamli namoyish etish imkoniyati turizm sohasida yangi imkoniyatlarni ochmoqda. Bunda shaxsiy kompyuterlarni bir-biriga tarmoq orqali ulash, mijoz vakolatxonalarini yaxlit birlashtirishga imkon berdi. Internet foydali savdo kanali, hamda korxonalar va tayyor mahsulot va xizmatlar iste'molchilari o'rtasidagi aloqa vositasiga aylandi.

Zamonaviy bozor sharoitida raqobatbardosh bo'lish uchun korxonalar internet

<sup>2</sup> Muallif ishlanmasi

texnologiyalarini o'z strategik maqsadlariga moslashtira olishlari lozim, aks holda raqobatda ortda qolish xavfi mavjud. Raqamli davrda marketing strategiyasi biznesni yuritishning yangi shakllarini o'z ichiga olishi, iste'molchilar va yetkazib beruvchilar (sheriklar va sotuvchilar) uchun ustunlik yaratishi kerak. Elektron biznesda intranet, ekstranet va internet texnologiyalari korxonaning samaradorligini oshirish imkoniyatini beradi.

O'zbekistonda raqamli turizmni rivojlantirish uchun resurslar yetarli bo'lishi lozim. Raqamli iqtisodiyot, elektron biznes hamda elektron tijorat uchun zaruriy bo'lgan resurslar jumlasiga esa quyidagilarni kiritish mumkin [1]:

- hisoblash-kommunikatsion infratuzilmalar;
- turli xildagi raqamli texnologiyalar;
- tezkor internet tizimi;
- turli bloklar;
- raqamli iqtisodiyot sohasida tayyorgarlik ko'rgan inson resurslari;
- biznes modellar;
- intellektual onlayn ishlab chiqarish;
- moliyaviy ta'minot;
- kraudsorsing va kraudfunding tashkil qilish imkoniyatlari.

Ayniqsa, bu borada sanoat sohasida sun'iy intellekt tizimlari jahon bozorida tez rivojlanayotgan tizimlardan biri hisoblanadi va 2021-yilga qadar bozorning o'rtacha yillik o'sishi 53 foiz miqdorida prognozlashtirilmoqda. Bu holat bevosita O'zbekistonda raqamli turizmni rivojlantirish istiqbollarini belgilaydi (1-jadval).

**1-jadval. 2025-yilga qadar sun'iy intellektning jahon bozorida rivojlanish prognozi (mlrd. AQSh dollari)<sup>3</sup>**

№	Yillar	Prognoz qiymatlari
1.	2016	643,7
2.	2017	1247,6
3.	2018	2212,7
4.	2019	3733,8
5.	2020	6076,1
6.	2021	9550,7
7.	2022	14427,7
8.	2023	20792,1
9.	2024	28424,7
10.	2025	36818,6

Shuningdek, PwC guruhi baholashiga ko'ra, 2030-yilga qadar sun'iy intellekt texnologiyalarining jaxon iqtisodiyotining rivojlanishiga qo'shadigan hissasi 15,7 mlrd. AQSh dollarni tashkil etadi va ulardan 9,1 trln. AQSh dollar ishlab chikarish samaradorligiga

<sup>3</sup> Muallif hisob-kitoblari

va 6,6 trln. AQSh dollar iste'mol samaradorligi hisobiga to'g'ri keladi. Shuningdek, mutaxassislar prognozlariga ko'ra, 2030 yilda sun'iy intellekt samaradorligidan ko'riladigan foyda teng taqsimlanmagan bo'ladi. Jumladan, Xitoyga eng katta ulush to'g'ri keladi (YaIM 26,1 foiz yoki 7 trln. AQSh dollari), G'arbiy Amerikaga (14,5 foiz yoki 3,7 trln. AQSh dollari) va G'arbiy Yevropa mamlakatlariga (9,9 foiz yoki 1,8 trln. AQSh dollari) [2]. Buning natijasida Yevropa Ittifoqi mamlakatlari haftasidagi texnologik tafovut yanada keskinlashish ehtimoli ortadi.

Darhaqiqat, O'zbekiston Respublikasining sayyohlik salohiyati jadal rivojlanmoqda. So'nggi yillarda mamlakat milliy iqtisodiyotining strategik tarmoqlaridan biri sifatida turizmni rivojlantirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar izchil amalga oshirilmogda. Bu esa uning tez rivojlanishi, yangi ish o'rinlarini yaratish, daromadlarni ko'paytirish, aholi turmush darajasi va sifatini yuksaltirish, shuningdek, investitsion jozibadorligini oshirishga imkon beradi.

Shuni ta'kidlash lozimki, turizm sohasida raqamli transformatsiya'ning muhim tendensiyalari paydo bo'lmoqda va ushbu texnologiyalarning turizm mahsulotlari va xizmatlariga integratsiyasi raqamli turizmga olib boradigan innovatsion jarayonning asosiy unsuri bo'lib sanaladi. Turizm sanoatining hozirgi holati ko'p jihatdan internet tarmog'iga ulanish, tarmoq orqali taqdim etiladigan elektron tranzaksiyalar va xizmatlarga bog'liq, shu munosabat bilan raqamli yechimlardan foydalanishni kengaytirish sayyohlik korxonalarini biznes ehtiyojlariga moslashtirish uchun zarur shartdir [3]. Shunga o'xshash vaziyat iqtisodiyotning boshqa tarmoqlarida ham sodir bo'lmoqda. Hamda tashrif buyuruvchilarning ko'pchiligi O'zbekistonga kelishidan maqsad - tanishlari va yaqinlarini ziyorat qilishdir. Bu shakllangan tashrif buyuruvchilar umumiy sonining 84,7 foizini tashkil etadi. Ikkinchi yirik segment 7,9 foiz bo'lib, O'zbekiston uchun dam olish uchun tashrif buyurganlardir. Keyingi o'rinda O'zbekistonga biznes va professional maqsadlarda tashrif buyuruvchilar guruhi (1,2 foiz), dori-darmon va sog'lomlashtirish va savdo (tijorat) maqsadida tashrif buyuruvchilar 0,8 foizni tashkil etadi. Har bir tashrifning o'rtacha davomiyligi 6,9 kecha, ko'pchilik sayyohlar tashrif vaqti (79 foiz) 1 kechadan 9 kechagacha va 19,8 foizi 10 kechadan 39 kechagacha. Sayyohlarning 2 foizi mamlakatda 40 kechadan kamni tashkil etadi.

O'zbekiston 2025-yilgacha respublikada turizmni rivojlantirish O'zbekistonga tashrif buyurish maqsadlari bo'yicha 2025-yilda buyurtma qilingan xorijiy sayyohlar soni 89,3 ming kishiga yetkazib berish turistik xizmatlar eksporti 2018-yildagi 1040,9 mln. dollardan 2232,8 mln. dollarga yetdi. O'zbekistonda 2017-yil boshidan xalqaro turizm sohasida sezilarli taraqqiyotning yangi bosqichi boshlandi. 2018-yilda Isroil, Indoneziya, Koreya Respublikasi, Malayziya, Singapur va Turkiya fuqarolari uchun vizasiz rejim o'rnatildi. Bundan tashqari, 39 ta davlat fuqarolariga viza berish tartibi soddalashtirildi. Undan tashqari, turizm infratuzilmasini rivojlantirish borasidagi sa'y-harakatlari keyingi yillarda ancha yuqori darajaga ko'tarildi. Xususiyl sektorini qo'llab-quvvatlash va himoya qilish

bo'yicha ko'rilgan chora-tadbirlar turistik tashkilotlar va mehmonxona ob'ektlari sonining ko'payishiga xizmat qiladi.

O'zbekistonda infratuzilma ob'ektlarini qurish va rekonstruksiya qilish bo'yicha amalga oshirilgan chinakam keng ko'lamli ishlar tufayli aeroportlar xalqaro port maqomini oldi. O'zbekistonga tashrif buyurgan sayyohlar respublikaning diqqatga sazovor joylari va temir yo'l transporti orqali borish imkoniyatiga ega. Hamda turizm infratuzilmasini rivojlantirish bo'yicha yirik investitsiya loyihalari amalga oshirildi. Mazkur yo'nalishlardagi davlat siyosati turizmni rivojlantirishga qaratilgan bo'lib, bu soha kelgusida hududlar va ularning infratuzilmasini jadal kompleks rivojlantirishning harakatlantiruvchi kuchlaridan biriga aylanishi, bunday muhim ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal etishga hissa qo'shishi zarur. Yuz minglab yangi ish o'rinlarini yaratish, hududiy diversifikatsiya va jadal rivojlanishni ta'minlash, aholi daromadlari, turmush darajasi va sifatini oshirish, valyuta tushumlari hajmini oshirish, davlat imiji va investitsion jozibadorligini oshirish kabi vazifalarni amalga oshirish belgilangan. Shu bilan birga, kelayotgan sayyohlar tarkibida an'anaviy ravishda qo'shni davlatlardan kelgan sayyohlar soni ustunlik qilishi belgilangan. Bu esa O'zbekistonda raqamli turizmni rivojlantirish istiqbollari belgilashga imkon beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Ayupov R.H., Boltaboyeva G.R. Raqamli iqtisodiyot asoslari. Darslik. - T.: TMI, 2020. - 19 b.
2. Sizing the prize What's the real value of AI for your business and how can you capitalise? - Pwc, 2017. Pp.3-7.
3. Xurramov O.K. Raqamli turizm [Matn]: darslik / O.K.Xurramov. - Buxoro: Sadridin Salim Buxoriy" Durdona, 2021. - 19 b.



---

## MEASURES TO COMBAT THE WASTE PROBLEM IN UZBEKISTAN

N. Olimova<sup>1</sup>

S. Boshbekova<sup>2</sup>

*Jizzakh Polytechnic Institute*

---

### KEYWORDS

modern technologies,  
environmental policy, the Law  
'On Waste'

### ABSTRACT

Regulation of relations in the field of implementation of waste-related works and conducting an environmental policy related to waste. Regulation of relations in the field of implementation of waste-related works and conducting environmental policy related to waste.

2181-2675/© 2023 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.10051137

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

---

<sup>1</sup> Assistant, Jizzakh Polytechnic Institute, Uzbekistan

<sup>2</sup> Student, Jizzakh Polytechnic Institute, Uzbekistan



## O'ZBEKISTONDA CHIQINDI MUAMMOSI QARSHI KURASHISH CHORALARI

### KALIT SO'ZLAR/ КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

zamonaviy texnologiyalar,  
ekologik siyosat,  
"Chiqindilar to'g'risida"gi  
qonun

### ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Chiqindilar bilan bog'liq ishlarni amalga oshirish sohasidagi munosabatlarni tartibga solish hamda chiqindilarga oid ekologik siyosat yuritish. Chiqindilar bilan bog'liq ishlarni amalga oshirish sohasidagi munosabatlarni tartibga solish hamda chiqindilarga oid ekologik siyosat yuritish.

Bugungi kunda dunyo miqyosida chiqindilar muammosi eng dolzarb ekologik masalalardan biriga aylanib bormoqda. Tahlillar shuni ko'rsatadiki, so'ngi yillarda maishiy va sanoat chiqindilari yildan-yilga ko'payib boryapti. Ayniqsa, XXI asrda maishiy chiqindilar hajmining o'sishi ekologik barqarorlikka juda katta salbiy ta'sir ko'rsata boshladi.

Mamlakatimizda atrof-muhitni muhofaza qilish, aholi salomatligini ta'minlash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, sanitariya va ekologik holatni yaxshilash borasida izchil ishlar olib borilmoqda. Ishlab chiqarish sohasini zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlash va qayta jihozlash natijasida atmosferaga chiqarilayotgan zararli moddalarning miqdori 2,1-martaga, oqava suvlarning tashlanishi 2 martaga kamaydi.

Shu bilan birga, bu borada o'tkazilgan tahlil natijalari atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat funksiyalarini amalga oshirishda kompleks yondashuv va strategik rejalashtirishning mavjud emasligi, shuningdek, qo'yilgan vazifalarni samarali bajarish uchun tabiatni muhofaza qilish organining vakolatlari yetarli emasligidan dalolat beradi.

Atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlarini belgilash, tabiatni muhofaza qilish sohasidagi qonun hujjatlari buzilishlari profilaktikasi, ularni aniqlash va oldini olishning samarali mexanizmlarini joriy etish, respublika aholi punktlarining sanitariya va ekologik holati uchun davlat organlari, xo'jalik yurituvchi subyektlar rahbarlari va fuqarolarning shaxsiy javobgarligini kuchaytirish O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining Qo'shma qarori bilan tasdiqlangan "To'g'ridan-to'g'ri amal qiluvchi qonunlarda tizimlashtirilishi va unifikatsiya qilinishi lozim bo'lgan qonun hujjatlarini qayta ko'rib chiqish bo'yicha «Yo'l xaritasi»ga kiritilgan yangi tahrirdagi "Chiqindilar to'g'risida"gi qonun loyihasida o'z aksini topgan.

Mazkur hujjat chiqindilar bo'yicha muammolarni hal etishda amalga oshiriladigan ishlarning strategik yo'nalishi va muvofiqlashtirishning asosi bo'lib

xizmat qiladi. Bu jarayonda asosiy e'tibor avvalo, chiqindilarni boshqarish sohasidagi davlat siyosatini va harakatlar samaradorligini oshirishga va ularni qisqartirishga, imkon darajasida ulardan qayta foydalanish hamda ikkilamchi qayta ishlashga qaratilgan.

Chiqindilar bilan bog'liq ishlarni amalga oshirish sohasidagi munosabatlarni tartibga solish hamda chiqindilarga oid ekologik siyosat yuritish maqsadida amaldagi bir qancha normalarning eskirgani sababli yangi tahrirdagi "Chiqindilar to'g'risida"gi qonun loyihasi ishlab chiqilmoqda. Qonunning asosiy vazifasi chiqindilarning fuqarolar hayotiga va sog'lig'iga, atrof-muhitga zararli ta'sirining oldini olish hamda chiqindilar hosil bo'lishini kamaytirishdan iboratdir. Shuningdek, qonun loyihasida chiqindilar bilan bog'liq ishlarni amalga oshirish borasida aniq vakolatli davlat organini belgilash ko'zda tutilmoqda. Mulkchilik shaklidan qat'iy nazar, sohada faoliyat ko'rsatayotgan yuridik shaxslarga shart-sharoit yaratib berish, ishlab chiqarish chiqindilarini qayta ishlash, maishiy ro'zg'or chiqindilarini utilitatsiya qilishni tashkil etgan holda atrof-muhitga, insonlar sog'lig'i va mulkiga salbiy ta'sirini kamaytirish bilan bog'liq me'yorlar belgilanyapti. Chiqindilarni qayta ishlash sohasini rivojlantirishda iqtisodiy usullardan foydalanishni yo'lga qo'yish, xorijiy investitsiyalarga yo'l ochish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish hisobiga zamonaviy texnologiyalarni joriy etishning huquqiy asoslarini mustahkamlash maqsadga muvofiqdir.

Mamlakatimizda atrof-muhitni muhofaza qilish, aholi salomatligini himoyalash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va ekologik xavfsizlikni ta'minlashga yo'naltirilgan islohotlar yanada izchil davom etishi, chiqindilar bo'yicha muammolarni hal etishda amalga oshiriladigan ishlarning huquqiy asoslari mustahkamlanishi fraksiyamiz elektorati manfaati nuqtayi nazaridan muhim ahamiyatga ega. Hozirda mazkur qonun loyihasini yanada takomillashtirish ishlari olib borilmoqda.

Yangi tahrirdagi "Chiqindilar to'g'risida"gi qonun mamlakatimizda ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish ishlari takomillashtirishga, chiqindilar qayta ishlanishi rivojiga, eng muhimi, ekologik madaniyatning yuksalishiga xizmat qiladi.

Umuman olganda, bugungi kunda tabiatga chiqarilayotgan qattiq, gazsimon hamda suyuq holatdagi chiqindilar global ekologik muammolarni keltirib chiqarmoqda. Bu masala XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab ekolog olimlar nazaridagi masalalardan bo'lishiga qaramay, ularga barham berish yohud ekologik barqarorlikka erishishda u qadar samara kuzatilmayapti. Dolzarb ahamiyati ortib borayotgan global ekologik muammolar va bunda chiqindi masalasi kelajak avlodning sog'lom turmush tarziga xavf tug'dirishi aniq. Bu masalaga jiddiy qarash

lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mavlanova M. Har bir islohot avvalo shaxsning o'zidan boshlanadi. <https://ekolog.uz/?cat=25>
2. Rafiqov A., Abirqulov, A., Xojimatov N. Ekologiya: o'quv qo'llanma - T.: TDIU,  
3. 2004 - 144 bet.
4. Rahmatov S. Chiqindi — koni zarar qayta ishlansa, katta boylik.
5. <https://parliament.gov.uz/upload/iblock/0d7/CHIQINDI-ipzbhu.arlwgngd.pdf>
6. <https://kun.uz/news/2022/02/02/chiqindi-muammosi-boyicha-yangi-choralarbelgilandi>
7. <https://huquq.uz/2022/08/25/inson-va-chikindilar-sajjoramiz-kimga-koladi/>
8. Наргиз О., Зарина Б. ПЕРИОД ЧУВСТВТЕЛЬНОСТИ И ВЫСОКОГО КАЧЕСТВА ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ //Журнал академических исследований и тенденций педагогических наук. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 410-413.
9. Олимова Н. и др. Движение пылевых потоков в пылеулавливающем оборудовании, траектории и динамика капель на основе технических характеристик пылеулавливающей камеры //Сеть конференций E3S. – EDP Sciences, 2023. – Т. 434. – С. 03027.
10. Алиева Р. и др. Кислотостойкие покрытия из жидкого стекла с использованием отходов производства кальцинированной соды //Сеть конференций E3S. – EDP Sciences, 2023. – Т.
11. Гуламовна О.Н. Исследования, проведенные с целью повышения эффективности пылеулавливающего оборудования на хлопкоочистительных предприятиях //Техасский журнал техники и технологий.
12. Gulovna O. N. Technological Processes of Dust Cleaning At Ginneries //Eurasian Journal of Engineering and Technology. – 2023. – Т. 19. – С. 31-34.
13. Авалбаев Г. А., Алиева Р. А., Сорабекова М. Основы массообмена между твердым телом и газожидкостной смесью //Журнал современной философии, социальных и гуманитарных наук. – 2023. – Т. 17. – С. 67-71. 17-21.
14. Бобоев С. М., Олимова Н. Г. ИССЛЕДОВАНИЕ ВЕНТИЛЯЦИОННОЙ СЕТИ И ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПЫЛЕУЛАВЛИВАЮЩЕГО ОБОРУДОВАНИЯ НА ХЛОПКОПЕРЕРАБАТЫВАЮЩИХ ПРЕДПРИЯТИЯХ //Vestnik

Volgogradskogo Gosudarstvennogo Arhitekturno-Stroitel'nogo Universiteta. Seriya: Stroitelstvo i Arhitektura. – 2022. – №. 88.

15. Olimova N. et al. Dust flow motions in dust collection equipment, droplet trajectories and dynamics based on the dust collection chamber's technical characteristics //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – T. 434. – C. 03027.



# Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:  
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



---

## DRINKING WATER PROBLEM AND THE PROJECT OF DEVICES THAT SOLVE IT

N. Olimova<sup>1</sup>

M. Nizamova<sup>2</sup>

*Jizzakh Polytechnic Institute*

---

### KEYWORDS

drinking water, smart use, a  
global problem

### ABSTRACT

In this article, opinions are expressed about what should be paid attention to in terms of "clean" drinking water in our country today.

2181-2675/© 2023 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.10051149

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

---

---

<sup>1</sup> Assistant, Jizzakh Polytechnic Institute, Uzbekistan

<sup>2</sup> Student, Jizzakh Polytechnic Institute, Uzbekistan

# ICHIMLIK SUVI MUAMMOSI VA UNI HAL ETUVCHI QURILMALAR LOYIHASI

## KALIT SO‘ZLAR/ КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

ichimlik suvi, oqilona  
foydalanish, global muammo

## ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Ushbu maqolada hozirgi kunda yurtimizda “toza” ichimlik suvi xususida nimalarga diqqat e’tibor qaratish lozimligi to’g’risida va zamonaviy loyihalar haqida fikrlar bildirilgan.

Suv sayyoramizdagi qimmatbaho tabiiy resurslardan biridir, shuning uchun uni asrash zarur. Biz hammamiz suv resurslari cheksiz emasligini, hayotimiz va salomatligimiz uning miqdori va sifatiga bog’liqligini yodda tutishimiz kerak. Daryolar, ko’llar, umuman suvning ma’naviy ahamiyati ham katta.

Umuman olganda, ayni paytda ko’plab mutaxassislar hukumatning suv tanqisligi muammosiga yangi yondashuvlar bilan kirib borishi muhim ahamiyatga egaligini takrorlamoqda. Bu jarayonda aholining suvga bo’lgan munosabatini o’zgartirish ham zarur. Ichimlik suvi basseyn to’ldirish, bog’ sug’orish yoki avtomobil yuvishga emas, iste’mol uchun sarflanishi kerakligini tushunib etish lozim.

Jahon banki tahlillariga ko’ra, 2050 yilga borib O’zbekistonda suvga bo’lgan talab 59 kub kilometrdan 62-63 kub kilometrgacha oshadi va mavjud suv resurslari 57 kub kilometrdan 52-53 kub kilometrgacha kamayadi. Bu esa joriy suv tanqisligini besh barobarga oshiradi. Ichimlik suvi ta’minotidan foydalanishda asosiy xavflar – chuchuk suvning taqchilligi, foydalanish uchun raqobat, uning ifloslanishi, qurg’oqchilik va boshqalardan iborat.

Tarix mobaynida insoniyat suv bilan va suv uchun kurashgan. Toza suv – odamzodning jiddiy muammosi. Ichimlik suvi, havo singari, hayot va sog’liqning asosiy manbai hisoblanadi. Inson tanasida suvning etishmasligi sog’liqqa qanchalik zarar keltirishi ma’lum. Organizmda 1foizgina suv miqdorining etishmasligi yurak-qon tomir, nafas yo’llaridagi hastalikka olib kelishning xavfi ortadi. Ming afsuski, bugungi kunga kelib hayot uchun zarur bo’lgan bu resurs haddan tashqari ko’p sarflanadi, isrof qilinadi. Rivojlangan mamlakatlarning aksariyati bu haqiqatni anglab etgan holda, suv va suv resurslaridan barqaror va tejamkorlik bilan foydalanishni yo’lga qo’ygan. Hozirdan suvni tejash madaniyatini insonlarga keng singdirilmasa va ushbu resursni asrashga doir keskin choralar ko’rilmasa, vaziyat iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy muammolarga olib kelishi muqarrardir. Dunyo bo’yicha 1 milliard 100 million aholi suv ichish baxtidan mahrum. SHunday ekan, siz-u biz dunyodagi eng baxtli odamlarmiz.

Qorakalpog'iston Respublikasida joylashgan Chimboy tumani meteostansiyasiga atmosfera havosidan ichimlik suvini ishlab chiqarish "atmosfera suv generatori" (Airaqua - 7-ta tozalash filtridan iborat) qurilmasi tajriba (sinov) tarzida ishga tushirildi.

Mazkur qurilma ichimlik suvi etib bormagan va etkazib berish iqtisodiy jihatdan qimmatga tushadigan hududlarga moslashtirilgan. Ushbu innovatsion texnologiya sinov tariqasida yo'lga qo'yildi va undan olinayotgan statistik ma'lumotlardan foydalangan holda Respublikamizdagi boshqa viloyatlariga o'rnatilishi kutilmoqda.

Atmosfera havosi namliklarning ulkan rezervuari ekanligini hisobga olsak, atmosfera suv generatorini o'rnatish atmosfera suvini ishlab chiqaruvchi dunyodagi eng samarali qurilma deb hisoblasak bo'ladi. Shuni ta'kidlash lozimki, ushbu moslama distillangan suvdan xam tozaroq suv olish imkonini beradi.

Qurilma atmosfera havosi namligiga va haroratga qarab kuniga taxminan 12 litrdan 30 litrgacha ichimlik suvi yetkazib berish imkonini beradi, qulayligi shundaki ko'p quvvat (1 kVt) talab qilmasligi, ixcham, ekologik toza, foydalanishda texnik jihatdan inson hayotiga xavfi yuq.

Aslida toza ichimlik suvi butun dunyodagi eng global muammolardan biri. Shu bois suvni tejab ishlatish har bir fuqaroning burchi hisoblanadi. Og'riqlar ila ingrayotgan orol dardi ham barchamizniki! Foydalanishga suvi yo'q, minglab chaqirimlardan kundalik ehtiyojlari uchun suv tashib yashaydigan insonlarga oson emas albatta. Buni o'z avtomashinasini yuvish uchun toza ichimlik suvini soatlab oqizib qo'yib isrof qilayotganlar qayoqdan bilsin?! Agar holat shu zaylda davom etaverar ekan ichimlik suvi pulini to'lamagan "qarzdorlar" kamaymaydi. Ichimlik suvi muammosi esa ich-ichimizdan yemirayotgan muammo bo'lib qolaveradi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. UN World Water Development Report 2016// (<https://www.unwater.org/publications/un-world-water-development-report-2016>)
2. Jahon Banki ma'lumotlari asosida tahlil qilingan. (<http://data.worldbank.org>)
3. Portal znaniy o vodnykh resursax i ekologii sentralnoy Azii. //URL: <http://www.cawater-info.net/library/index.htm>
4. Global Report on Food Crises (GRFC 2022) sixth annual Report of FAO// <https://www.fao.org/3/cb9997en/cb9997en.pdf>
5. "O'zbekiston iqlimi keskin quruqlashib bormoqda" <https://kun.uz/news/2021/11/10/ozbekiston-iqlimi-keskin-quruqlashib->

bormoqda-gidrometerolog

6. Наргиз О., Зарина Б. ПЕРИОД ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ И ВЫСОКОГО КАЧЕСТВА ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ //Журнал академических исследований и тенденций педагогических наук. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 410-413.

7. Олимова Н. и др. Движение пылевых потоков в пылеулавливающем оборудовании, траектории и динамика капель на основе технических характеристик пылеулавливающей камеры //Сеть конференций E3S. – EDP Sciences, 2023. – Т. 434. – С. 03027.

8. Алиева Р. и др. Кислотостойкие покрытия из жидкого стекла с использованием отходов производства кальцинированной соды //Сеть конференций E3S. – EDP Sciences, 2023. – Т.

9. Гуламовна О.Н. Исследования, проведенные с целью повышения эффективности пылеулавливающего оборудования на хлопкоочистительных предприятиях //Техасский журнал техники и

10. Gulovna O. N. Technological Processes of Dust Cleaning At Ginneries //Eurasian Journal of Engineering and Technology. – 2023. – Т. 19. – С. 31-34. технологий. – 2023. – Т. 21. – С.

11. Авалбаев Г. А., Алиева Р. А., Сорабекова М. Основы массообмена между твердым телом и газожидкостной смесью //Журнал современной философии, социальных и гуманитарных наук. – 2023. – Т. 17. – С. 67-71. 17-21.

12. Бобоев С. М., Олимова Н. Г. ИССЛЕДОВАНИЕ ВЕНТИЛЯЦИОННОЙ СЕТИ И ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПЫЛЕУЛАВЛИВАЮЩЕГО ОБОРУДОВАНИЯ НА ХЛОПКОПЕРЕРАБАТЫВАЮЩИХ ПРЕДПРИЯТИЯХ //Vestnik Volgogradskogo Gosudarstvennogo Arhitekturno-Stroitel'nogo Universiteta. Seriya: Stroitelstvo i Arhitektura. – 2022. – №. 88.

13. Olimova N. et al. Dust flow motions in dust collection equipment, droplet trajectories and dynamics based on the dust collection chamber's technical characteristics //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 434. – С. 03027.





---

## STUDYING THE DANGERS OF ACID RAIN

N.G. Olimova<sup>1</sup>

Z.Y. Haydarov<sup>2</sup>

*Jizzakh Polytechnic Institute*

---

### KEYWORDS

Atmosphere, rain water, sulfur oxide, nitric acid

### ABSTRACT

Acid rains cause negative effects on the environment, including the acidification of soil and water, living nature - flora and fauna, human health, the condition of buildings and monuments. Natural sources of acid rain include volcanic eruptions, wildfires, and ocean emissions. Artificial sources include industrial waste, gases released from motor vehicles and waste burning.

2181-2675/© 2023 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.10051171

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

---

<sup>1</sup> Assistant, Jizzakh Polytechnic Institute, Uzbekistan

<sup>2</sup> Student, Jizzakh Polytechnic Institute, Uzbekistan


## KISLOTALI YOMG'IRLAR XAVFINI O'RGANISH

KALIT SO'ZLAR/  
КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:Atmosfera, yomg'ir suvi,  
oltingugrt oksidi, nitrat  
kislotaliANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Kislotali yomg'irlar atrof-muhitga salbiy ta'sirlarni keltirib chiqaradi, jumladan, tuproq va suvlarning kislotali muhitga ega bo'lishiga, tirik tabiatga - o'simlik, hayvonot dunyosiga, inson salomatligiga, binolar, yodgorliklarning holatiga ta'sir qiladi. Kislotali yomg'ir hosil qiluvchi tabiiy manbalarga vulqon otilishi, o'simlik yomg'inlari va okean chiqindilari kiradi. Sun'iy manbalarga esa sanoat chiqindilari, avtotransport vositalaridan, chiqindilar yonishidan ajraladigan gazlar kiradi.

Insoniyatning keyingi paytlarda tabiatga ko'rsatayotgan zuhumini eng beshafqat kuchlar bilan teng qo'yish mumkin. Ayniqsa, o'tgan XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab ekologik falokatlar soni ko'payib, insoniyat aybi bilan ular yanada xatarli tus olib borgan. Agar o'tgan asrning 60-yillaridan inson va atrof-muhit uchun xavfli oqibatlar kelib chiqqan. 45 ta yirik ekologik fojea sodir bo'lgan bo'lsa, 80-yillarda bu ko'rsatkich 80 taga etdi. hozirda esa yanada ortib bormoqda. Jumladan, atmosferaning ifloslanishi tinmasdan davom etib, yildan yilga ortib bormoqda. Atmosferaning ifloslanishi sanoat korxonalarida chiqindilari, transport vositalaridan ajraladigan birikmalar ayniqsa, vodorod sulfid, uglerod oksidlari va og'ir metallardan qo'rg'oshin, mis, kadmiy, nikel va boshqa metall zarrachalari hisobiga tobora ortib bormoqda. Atmosferaga har yili 100 millionlab tonna ifloslovchi moddalar ajratiladi. Havoda oltingugurt oksidi (SO<sub>2</sub>) va azot oksidi (NO<sub>2</sub>), vodorod sulfid (H<sub>2</sub>S) ning mikdori ortib borishi kislotali yomg'irlarning ko'payishiga sabab bo'ladi.

Jarayonni quyidagi reaksiya tenglamalari bilan ifodalash mumkin:




Kislotali yomg'irlar quyidagicha salbiy oqibatlar yuzaga keltiradi:

Oltingugurt oksidi o'simliklar bargidagi xlorofillni yemiradi, guldagi changdonlarning etilishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Barglarni qurib to'kilishiga olib keladi. Oltingugurt oksidining bir qismi oksidlanadi hamda suvda erib, kislotala aylanadi va u yer yuziga kislotali yomg'ir bo'lib yog'iladi. Kislotali yomg'irlar chirindilar (gumus)ni tuproqdan yuvib ketadi. Bundan tashqari tuproqda kalsiy, magniy, kaliy tuzlari ham kamayadi. Buning oqibatida tuproqning unumdorligi pasayadi. Kislotali yomg'irlar suv havzalaridagi jonivorlarni ham qirib yuborishi mumkin. Eng achinarli tomoni, "kislotali yomg'ir" hosil qiladigan gazlarning bir qismi ozon qavatini yemirib, ultrabinafsha nurlarning yer sathiga hech bir to'siqsiz yetib

kelishiga olib keladi. Bundan tashqari, kislotali yomg'irlarning yog'ishi va suv havzalariga tushishi natijasida suvdagi ortiqcha kislotalar og'ir metallarni, jumladan qo'rg'oshinni eritadi, natijada bu moddalar ichimlik suvi va dengiz mahsulotlari org'ali inson organizmiga tushadi va zaxarlanishiga olib keladi. Bularning barchasi suvning o'zini ozgina kislotali qiladi. Yomg'ir suvi odatda pH 5,6 ga ega, ammo kislotali yomg'ir odatda pH 5,0 hatto juda kislotali bo'lsa, 3 ga teng. Uni hosil qilish uchun havodagi suv yuqorida aytib o'tgan gaz aralashmasi bilan aloqa qiladi. Aynan shu gazlar suv bilan birga sulfat kislota hosil qiladi, bu esa yomg'ir suvini yanada kislotali qiladi. Oltingugurt kislota va nitrat kislota kabi yana ikkita kislota ham hosil bo'ladi. Bu kislotaliroq suv tushganda, u o'zi joylashgan muhitga zarar yetkaza boshlaydi.

Masalan, tarkibida simob ko'p bo'lgan baliqlarni iste'mol qilish insonning asab tomirlarini, harakat a'zolarini kasallantiradi, ko'rish qobiliyatini pasaytiradi.

Ko'pchilik tarixiy inshoot va binolar, san'at asarlarida ohaktosh, marmardan foydalaniladi. Kislotali yomg'irlarga marmar birmuncha chidamli, lekin ohaktosh erib ketadi. Sulfatlanish natijasida tosh yuzasi gips bilan qoplanadi:



Kislotali yomg'irlar tufayli tuproqning kislotaliligi ortadi. Bu esa yerga qo'shimcha ishlov berishni talab qiladi. O'simliklar hayotiy faoliyatiga salbiy ta'sir etadi. Masalan, Surxondaryodagi mashhur anorzorlarning hosili kamayib, maydalashib ketishi ham kislotali yomg'irlar bilan bog'liq

Kislotali yomg'irlar ayniqsa nordon tarkibli tuproqlar uchun juda xavfli. Chunki bunday yomg'irlar tuproqdagi moddalar almashinuvini buzadi, ular tuproq tarkibidagi og'ir metallarni yuvadi. Natijada tuproqning toksiklik xossalari oshadi, kalsiy miqdori kamayadi va o'simlikning o'sishi to'xtaydi.

Kislota yomg'irining barcha oqibatlariga duch kelganda, biz ba'zi yechimlarni sinab ko'rdik, masalan:

- Zavodlar, isitish tizimlari, transport vositalaridan chiqadigan chiqindilarda oltingugurt va azot miqdorini kamaytirish, va boshqalar. Qayta tiklanadigan energiya va yangi texnologiyalardan foydalanish buni kamaytirishi mumkin.

- Shaxsiy avtomobillardan foydalanishni kamaytirish uchun jamoat transportini yaxshilash.

- Maishiy elektr energiyasi iste'molini kamaytiring.

- Ekinlarda juda ko'p kimyoviy moddalarni ishlatmang.

- Daraxtlarni ekish.

- Odamlarni yaxshiroq va kamroq ifloslantiruvchi turmush tarziga

o'rgatish orqali kompaniyalar va sanoat korxonalari aholisini kamaytiring.

Umid qilamanki, ushbu ma'lumot bilan siz kislotali yomg'irning ta'siri va uning oqibatlari haqida ko'proq bilib olishingiz mumkin. Inson-tabiat farzandi, kelajagimiz bo'lgan yosh avlod ham shu tabiat qo'ynida yashaydi, mehnat qiladi. Demak, tabiat muhofazasi har bir kishining muqaddas burchi ekanligini unutmashlik lozim.

#### **Adabiyotlar:**

1. Гинзбург А.С. и др. Кислотные осадки. ННФ «Развитие и окружающая среда», 2004. – 226 с.

2. Чомаева, М. Н. Экологические проблемы как следствие эксплуатации атомных станций // Национальная безопасность и стратегическое планирование. – 2016. – № 1 (13). – С. 113-115.

3. Чомаева М. Н. Экологические проблемы воздействия химической промышленности на окружающую среду (на примере цементного производства) // Национальная безопасность и стратегическое планирование. – 2016. – № 2-1 (14). – С. 141-143.

4. Хорват Л. Кислотный дождь. – М.: Стройиздат, 2005. – 70 с.

5. Чомаева М.Н. Проблемы воздействия кислотных осадков на окружающую среду и человека // Астраханский вестник экологического образования. – 2020. – № 4 (58). – С. 100-106.

5. Чомаева М.Н. Взаимовлияние негативного воздействия кислотных осадков на окружающую среду и человека // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2020. – № 5-3 (44). – С. 27-29.

6. Чомаева М.Н. Проблемы загрязнения атмосферы на территории Карачаево-Черкесии

// Астраханский вестник экологического образования. – 2018. – №2 (44). – С. 35-41.

6. Наргиз О., Зарина Б. ПЕРИОД ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ И ВЫСОКОГО КАЧЕСТВА ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ //Журнал академических исследований и тенденций педагогических наук. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 410-413.

7. Олимова Н. и др. Движение пылевых потоков в пылеулавливающем оборудовании, траектории и динамика капель на основе технических характеристик пылеулавливающей камеры //Сеть конференций E3S. – EDP Sciences, 2023. – Т. 434. – С. 03027.

8. Алиева Р. и др. Кислотостойкие покрытия из жидкого стекла с использованием отходов производства кальцинированной соды //Сеть конференций E3S. – EDP Sciences, 2023. – Т

9. Гуламовна О.Н. Исследования, проведенные с целью повышения

эффективности пылеулавливающего оборудования на хлопкоочистительных предприятиях //Техасский журнал техники и

